

**АЛИБОЕВ ТУРГУН ЧИНДАЛИЕВИЧ**

**ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ЎҚУВЧИЛАРДА  
КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
(“Технология” фани мисолида)

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации**

**ContentsoftheAbstract of a doctoral (PhD)dissertation**

**Алибоев Тургун Чиндалиевич**

Инновацион таълим муҳитида ўқувчиларда креативлик  
сифатларини ривожлантириш технологияларини  
такомиллаштириш (“Технология” фани мисолида).....4

**Алибоев Тургун Чиндалиевич**

Совершенствование технологий развития креативных  
качеств у учащихся в сфере инновационного образования  
(на примере учебной дисциплины “Технология”) .....25

**Aliboev Turgun Chindalievich**

Enhancing the technologies of developing creative  
qualities of students in the sphere of innovative education  
(on the example of an academic discipline “Technology”).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications.....51

**АЛИБОЕВ ТУРГУН ЧИНДАЛИЕВИЧ**

**ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ЎҚУВЧИЛАРДА**  
**КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**  
**ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
(“Технология” фани мисолида)

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/.Ped1235рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтидабажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Толипов Ўткир Қаршиевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тўрақулов Олим Холбўтаевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Алиқулов Салохиддин Турдимуратович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» сентябр соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 4. Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: [jdpiinfo@umail.uz](mailto:jdpiinfo@umail.uz)). Жиззах давлат педагогика институти. Бош ўқув бино, 2-қават, маърузалар зали)


Диссертация билан Жиззах давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин ( 74 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 4. Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73 факс: (872) 226-46-56

Диссертация автореферати 2021 йил «27» 08 куни тарқатилди.  
(2021 йил «27» 08 даги 3 -рақамли реестр баённомаси)



  
**Ф.Н.Жўрақулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсийфанлар доктори, доцент

  
**Н.Х. Кушвақтов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари номзоди, доцент

  
**Х.А. Мелиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, педагогика фанлари номзоди, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Глобал ахборотлашув ва инновацион таълим муҳити шахс интеллектини ривожлантириш инсон капиталидан самарали фойдаланишнинг асоси эканлигини тасдиқламоқда. Жаҳон таълими тажрибаси замонавий жамият тараққиётида муҳим ўрин тутаяётган STEAM фанлари (аниқ фанлар (science), технология (technology), инжиниринг (engineering), дизайн (art), математика (mathematics)нинг имкониятларига таянган ҳолда креатив шахсни тарбиялаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш жамиятни ижтимоий, иқтисодий, маданий жиҳатдан жадал ривожлантириш истиқболлини кафолатлашини тасдиқлади. “STEAM – forward” (“STEAM – келажакда”; Куддус, 2014 йил) номли конференцияда ўқувчиларни ўзлаштириш даражаси мулоқот, кооператив (ўзаро ҳамкорлик), танқидий тафаккур, креативлик мезонлари билан баҳолаш мақсадга мувофиқлиги эътироф этиб ўтилган. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини ўқиш, математика, табиий-илмий ва компьютер саводхонлиги каби йўналишлар бўйича баҳолаш имконини берадиган PISA (Programme for International Student Assessment; Ўқувчиларнинг таълимий ютуқларини баҳолаш бўйича Халқаро дастур)нинг креативлик мезони билан бойитилаётганлиги инновацион таълим муҳитида ушбу сифатга эга бўлишнинг тобора долзарб аҳамият касб этаётганлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда дунё педагогик таълим соҳасини такомиллаштиришга доир устувор йўналишлар белгилаб берган бўлиб, жумладан ижодкор ёшларни тайёрлашнинг мазмун ва илмий-методик базасини ривожлантириш, ўқув-тарбиявий жараён муаммоларининг ностандарт педагогик ечимларини топиш, ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган мотивация асосида таълим сифатини ошириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Демак, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш учун катта имкониятга эга бўлган технологик таълим жараёнига ўқувчиларни креатив ёндашув асосида тайёрлаш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Республикамизда амалга оширилаётган илмий педагогик ва методик тадқиқотлар доирасида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантириш орқали технологик таълим самарасини ошириш имкониятлари яратилган бўлиб, бу борада креатив ёндашув ва инновацион тафаккурни шакллантириш муҳим мезон вазифасини бажаради. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> бўйича устувор вазифалар белгиланган. Бу эса инновацион таълим

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами.-Т.,2017.-Б.37.

муҳитида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сонли “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими тизимини 2030 йилга қадар ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаг ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги 287-сонли “Ўзбекистон Республикаси касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳукуий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ш.С.Шарипов, Г.Н.Ибрагимова, Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоева, З.Т.Раджапова, З.Т.Рахимов, Ф.Т.Эҳсонова, А.Мадалиев кабиларнинг тадқиқотларида ўқувчи ва талабаларда креативлик сифатларини ривожлантириш, мактабдан ташқари, умумий ўрта, шу жумладан, бошланғич таълим, олий таълим тизимида ўқувчи ҳамда талабаларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, ушбу жараёнда маҳаллий ҳамда хорижий давлатларнинг ўқитиш тажрибаларидан фойдаланиш, шахснинг креативлик сифатларга эгалик даражасини ташхислаш ва баҳолаш муаммолари ўрганилган.

МДХ давлатларида Т.Ф.Башина, Д.Б.Богоявленский, О.В.Буцик, Т.И.Виноградова (Грицай), А.Г.Герцов, В.М.Голубова, В.Н.Дружинин, Т.А.Красило, И.А.Малахова, Т.С.Мамонтова, Е.Л.Солдатова, И.А.Сусоколова, Е.Туник илмий изланувчилар томонидан турли ёшдаги шахсларда креативликни ривожлантириш, унинг ўзига хос жиҳатлари, “Технология” таълими мазмуни, “Технология” таълимининг ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришдаги дидактик имкониятларини ёритувчи тадқиқотлар олиб борилган.

Жой Пол Гилфорд (Joy Paul Guildford), Патти Дрепаеу (Patti Drapeau), Елена Григоренко (Elena Grigorenko), Эллис Пол Торренс (Ellis Pol Torrance), Сильвано Ариети (Silvano Arieti), Симпсон Рэй Мэжини (Simpson Ray Magini), Роберт Ж. Штернберг (Robert J. Sternberg) каби хорижлик тадқиқотчилар томонидан “креативлик” тушунчасининг моҳияти, креативлик

сифатлари, шахсда креативлик сифатларини шакллантириш (ривожлантириш), мазкур жараённинг босқичлари ва методлари, шахсда креативлик сифатларининг шаклланганлик ҳамда ривожланганлик даражасини ташхислаш масалалари тадқиқ қилиниб, шахс креативлиги моделлари ишлаб чиқилган.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг касбий қобилиятини шакллантириш” (2017-2021 йй.) режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** муаммоли ва ривожлантирувчи таълим технологияларини такомиллаштириш асосида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

герменевтик ва визуал-образли тамойиллари асосида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг назарий-методологик асоси ташхис, когнитив, амалий (бажариш), рефлексив-баҳолаш жиҳатдан очиб бериш;

фаолиятли, муаммоли, интерфаол, полилогик, технологик ёндашувлар, муаммоли, лойиҳа, интерфаол, инновацион технологиялар ёрдамида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш;

ҳиссий-психологик, ижодий ҳамда танқидий ёндашувларга кўра ривожлантирувчи технологиялар воситасида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнини методик қўллаб-қувватлаш орқали такомиллаштириш;

компетентли ва рефлексив ёндашувларга кўра “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларининг ривожланганлик даражасини баҳоловчи мезонларни такомиллаштириш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг когнитив, эмпирик ва рефлексив-баҳоловчи асосларини тадбиқ этиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида педагогик, психологик, методик адабиётларни ўрганиш; ижтимоий методлар (анкета, суҳбат, интервью); ассесмент; педагогик кузатиш; моделлаштириш; педагогик тажриба; математик-статистик қайта ишлаш усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш герменевтик, визуал-образли тамойиллар ва рефлексив баҳолаш мазмуни когнитив, методик, эмпирик, баҳоловчи ғоялар асосида

бойитилган;

фаолиятли, муаммоли, интерфаол, полилогик, технологик ёндашувлар, муаммоли, лойиҳа, интерфаол, инновацион технологияларга таянган ҳолда “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш механизми босқичлар (мослашиш (адаптив), ривожлантирувчи, амалий-фаолиятли, рефлексив-баҳолаш)ни белгилаш, методик кўрсатма ва ишланмаларни тайёрлаш асосида такомиллаштирилган;

ҳиссий-психологик, ижодий ҳамда танқидий ёндашувларга кўра ривожлантирувчи технологиялар воситасида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнини методик қўллаб-қувватловчи (“Синергетика лабораторияси”) методни асослаш орқали такомиллаштирилган;

интегратив ва рефлексив ёндашувларга кўра “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларининг ривожланганлигини баҳоловчи мезонлар (креатив сифатларга, ўзига хос креатив ғояларни асослаш малакасига, креатив маҳсулотни яратиш қобилиятига эгалик)ни англаш, амалий-фаолиятли (бажариш), рефлексив-баҳолаш даражалари бўйича такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари**қуйидагилардан иборат:

герменевтик ва визуал-образли тамойиллари асосида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг назарий-методологик асоси, фаолиятли, муаммоли, интерфаол, полилогик, технологик ёндашувлар, муаммоли, лойиҳа, интерфаол, инновацион технологиялар ёрдамида эса “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш механизми такомиллаштирилган;

хорижий тажриба, шунингдек, индивидуал ва дифференциал ёндашув асосида ишлаб чиқилган “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга оид интерфаол методлар ўқитиш сифатини яхшилаш, самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

компетентли, рефлексив ёндашувларга кўра “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларининг ривожланганлигини баҳоловчи мезонлар (креатив сифатларга, ўзига хос креатив ғояларни асослаш малакасига, креатив маҳсулотни яратиш қобилиятига эгалик)га кўра англаш, амалий-фаолиятли (бажариш), рефлексив-баҳолаш каби даражаларда намоён бўлиши асосланган;

стратегик ёндашувга мувофиқ “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга доир амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга тажриба-синов ишининг дастур асосида ташкил этилганлиги, диссертант томонидан “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга доир методик кўрсатма, ишланмаларнинг тайёрланганлиги, тажриба майдонлари бўлган умумий ўрта таълим мактабларида “Технология” фанини ўқитишда ушбу методик кўрсатма, ишланмалардан мақсадли,



самарали фойдаланилганлик, тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик таҳлил этилганлиги, тадқиқот ғояларининг амалиётга жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг етакчи когнитив, эмпирик, рефлексив асосларининг такомиллаштирилганлиги, “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш методикасининг интерфаол методлар билан бойитилганлиги, “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш истиқболли таъминловчи илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги, “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг методик кўрсатмалар, инновацион характердаги ишланмалар билан бойитилганлиги, ўқитиш жараёнида эришилган натижалар умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини самарали ривожлантиришга хизмат қилиши, шунингдек “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга доир назарий ва методик таъминотдан “Технология” дарсларининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар)ни яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инновацион таълим муҳитида ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

“технология” фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантиришнинг таркибий тузилмаси ташхис, когнитив, амалий, рефлексив-баҳолаш, мотивацион, фаолиятга асосланган ва акс эттирувчи каби янги муаммоларни аниқлаш, муаммоларнинг ўзига хос ечимларини топиш ва амалда қўллаш қобилиятида намоён бўладиган шахснинг креатив ва интеграл динамик хусусияти билан алақадорлигига оид хулосаларидан ИТД-1-1 “Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи шахси ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик асослари” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган. Натижада талабаларни ижодий коммуникацион мулоқотга кириша олиш, қадриятли муносабатда бўлиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 декабридаги 371-сон қарори билан тасдиқланган “Таълим бўйича глобал ҳамкорлик гранти”–беғараз техник кўмагидан фойдаланган ҳолда “Мактабгача ва умумий ўрта таълимни

такомиллаштириш” лойиҳасида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 7 июлдаги 01-02/-3-212/б-сон маълумотномаси). Натижада “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларининг ривожланганлик даражасини ташхис этиш ва мониторингини амалга ошириш механизмлари такомиллаштирилган.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш механизми такомиллаштирилганлиги, хорижий тажриба, шунингдек, индивидуал ва дифференциал ёндашувлар, баҳоловчи мезонларга кўра англаш, амалий-фаолиятли, рефлексив-баҳолашга доир амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан асосланади (Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 89-03-2850-сон маълумотномаси). Натижада “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг назарий методологик асоси, герменевтик ва визуал-образли тамойиллар асосида муаммоли, лойиҳа, интерфаол, инновацион технологиялар асосида такомиллаштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий-услубий иш, жумладан, Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда жами 8 та мақола, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилиб, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилишига оид аннотацион маълумотлар қайд этилган.

Ишнинг биринчи боби “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш – педагогик муаммо сифатида” деб номланган бўлиб, унда “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш мазмуни, тамойиллари ва креативлик сифатларининг тавсифи, шунингдек, ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришга оид хориж тажрибаси хусусида сўз юритилган.

**Креативлик** амалий қийматга эга кўплаб ғояларни яратиш қобилияти бўлиб, у вақтни, кучни тежашга имкон беради, фойдаланишга ҳар жиҳатдан қулай бўлган маҳсулотнинг яратилишини таъминлайди. Ана шу сифатга эга шахс фаолиятида изчил равишда янги ғояларни илгари суриш, масала, муаммоларнинг ечимини топишда оқилона қарорларни қабул қилиш, маҳсулотни ўзгача кўринишда талқин этиш, уни оригинал элементлар билан бойитиш орқали амалий қийматга эга натижа (маҳсулот)га эга имконини яратувчи қобилият акс этади.

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантиришда уни фикрлашга, маълумотларни умумлаштиришга, таҳлил этишга, турли мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга ёшликдан одатлантиб бориш мақсадга мувофиқдир. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқув фанлари ўқувчиларда креативликни ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутди. Зеро, ижтимоий, гуманитар, табиий ёки амалий характерга эга бўлишидан қатъий назар ўқув фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотларда ўқувчиларга бериладиган топшириқлар уларни фикрлашга, ўйлашга, мантикий тафаккур юритиш, ўрганилаётган мавзу бўйича оригинал фикрларни илгари суришга ундайди.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотнинг етакчи назарий ғоялари, педагогик кузатиш натижалари, қолаверса, креатив маҳсулотнинг умумий тавсифи унинг сифати, амалий қийматини қуйидаги мезонлар асосида баҳолаш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади: 1. Мукамаллик (креатив ғоянинг ҳар томонлама пухта асосланганлиги; креатив маҳсулотнинг шакл, ранг, фазовий ҳамда композицион жиҳатларининг ўзаро мутаносиблиги). 2. Мазмун ва шакл уйғунлиги (креатив ғоянинг пухта назарий асосга эгаллиги, мантикий яқунланганлиги; назарий ғоянинг креатив маҳсулот шаклий тузилмасида ўз ифодасини топганлиги). 3. Ўзига хослик (бошқалар томонидан билдирилмаган креатив ғоянинг илгари сурилганлиги; бошқалар “қўл урмаган” мавзу, ғоя бўйича креатив маҳсулотнинг яратилганлиги). 4. Тугалланганлик (яқунига етганлик; креатив ғоя мазмунида бошланғич, яқуний фикрий ҳаракат (операция)ларнинг тугал ифодаланганлиги; креатив маҳсулотда барча деталларнинг тўлиқ яқунига етказилганлиги). 5. Ҳиссий-эстетик таъсирга эгалик (креатив ғоя ва маҳсулотнинг ҳиссий ифодаланганлиги ва атрофдагиларга эстетик таъсир эта олиши). 6. Мавжуд ҳиссий-эстетик эҳтиёжни қондира олиш (креатив ғоя ва маҳсулотнинг ижтимоий субъектларда ҳиссий кечинмаларни уйғота олиши ва эстетик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши). 7. Амалий қийматга эгалик (креатив ғоя, маҳсулотнинг шахслараро ижтимоий, иқтисодий, маданий муносабатларни ташкил этишга хизмат қилиши).

Ўқувчиларда креативликни шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, бу жараёни босқичма-босқич амалга ошириш талаб қилинади. Назарий таҳлил, педагогик кузатиш ва амалий тажриба натижаларига кўра ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантириш қуйидаги босқичларда кечади,

деган хулосага келинди: мослашув (адаптив) босқичи; ривожлантириш босқичи; амалий-фаолиятли босқич; таҳлил-баҳолаш босқичи.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда самарадорликка эришишда ана шу мақсадга қаратилган педагогик жараённинг қандай ёндашув асосида ташкил этилиши ҳам аҳамиятли саналади. Шу сабабли тадқиқотни олиб боришда “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда юқори самарадорликка эришиш мақсадида педагогик жараёнга нисбатан инновацион характердаги ёндашувларни қарор топтиришга эътибор қаратилди. Муаммонинг назарий ва амалий тавсифидан келиб чиққан ҳолда педагогик жараёнга нисбатан қуйидагича ёндашиш “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда самарадорликни таъминлайди, деган хулосага келинди (1-расм):



**1-расм. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришга бўлган муҳим ёндашувлар**

Тадқиқотни олиб боришда танланган илмий-педагогик муаммонинг характери, педагогик, психологик, методик, дизайн соҳасига оид қарашлар, устувор тамойиллар, муаммога тааллуқли адабиётларда илгари сурилган ғоялар, мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатларини инобатга олган ҳолда дизайн тўғарагида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг модели ишлаб чиқилди (2-расм).

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнида қуйидаги тамойилларнинг устуворлик касб этиши аниқланди: тизимлилик, изчиллик, амалий фаолиятга йўналтирилганлик, ижодий характерга эғалик, интеграллашув, мувофиқлик, интерфаоллик, амалий қийматга ҳамда эстетик таъсирга эғалик, рефлексивлик.

**“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик  
сифатларини ривожлантириш жараёни**

**Мақсад:** муаммоли ва ривожлантирувчи таълим технологияларини  
такомиллаштириш асосида “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини  
ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш

**Вазифалар:** “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик  
сифатларини ривожлантиришнинг ташкилий-амалий ғояларини асослаш;  
“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришда  
самарали бўлган методларни танлаш ва махсус методикани шакллантириш; зарур  
педагогик шароитни яратиш орқали “Технология” дарсларида ўқувчиларда  
креативлик сифатларини ривожлантириш

**Когнитив асос:**

**Ёндашувлар:** герменевтик, визуал-  
образли, фаолиятли, муаммоли, интерфаол,  
полилогик, технологик, ҳиссий-  
психологик, ижодий, танқидий,  
интергратив, рефлексив.

**Тамойиллар:** тизимлилик, изчиллик,  
амалий фаолиятга йўналганлик,  
интеграллашув, ижодий характерга эгалик,  
интерфаоллик, амалий қийматга эгалик,  
мувофиқлик, эстетик таъсирга эгалик,  
рефлексивлик

**Креатив сифатлар:** ҳиссий  
ривожланганлик, қизиқувчанлик, эстетик  
туйғу ва эстетик дидга эгалик, ижодий  
тасаввур, мустақиллик, интеллектуал  
фаоллик, таваккал қилишга мойиллик,  
муаммога нисбатан тоқатсизлик, танқидий  
фикрлаш қобилиятига эгалик, ижодий  
фаолиятга йўналганлик, интуитивлик, нутқ  
маданиятига эгалик, креатив (дивергент)  
тафаккур, рефлексия қобилиятига эгалик

**Методик асос:**

**Шакллар:** муаммоли, интерфаол,  
инновацион, лойиҳа, компьютер, ҳамкорлик  
таълими, ижодий танлов

**Методлар:** “Ақлий ҳужум”, “Олтита рангли  
шляпа”, “Ментал харита” (“Идрок  
харитаси”), “Синектика”, “Фокал  
объектлар”, “Билвосита стратегиялар”,  
“Тасодифий ассоциациялар” машқи,  
“Тугалланмаган расмлар” тести  
(Э.П.Торренс)

**Воситалари:** ўқув дастури, “Технология”  
ўқув фани дарслиги, АКТ, методик  
ишланмалар, иш қўғозлари, баҳолаш  
варақалари

**Эмпирик асос:**

**Босқичлар:** мослашиш (адаптив);  
ривожлантирувчи;  
амалий-фаолиятли;  
рефлексив-баҳолаш

**Баҳоловчи асос:**

**Мезонлар:** креатив сифатларга эгалик; ўзига хос креатив ғояларни асослаш  
малакасига эгалик, креатив маҳсулотни яратиш қобилиятига эгалик  
**Даражалар:** англаш, амалий-фаолиятли (бажариш), рефлексив-баҳолаш

**Кутилган натижа:** ўқувчиларнинг креатив сифатлар, ўзига хос креатив ғояларни  
асослаш малакаси ва креатив маҳсулотни яратиш қобилиятига эга бўлиши  
амалий (бажариш) ҳамда рефлексив даражада намоён эта олиши

**2-расм. “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик  
сифатларини ривожлантириш жараёнининг модели**

Дастлабки ҳаракат назарий таҳлил, мактаб амалиётини ўрганиш ҳамда ўқувчилар фаолиятини педагогик кузатиш натижаларига кўра ўсмир, ўспирин ёшидаги ўқувчиларда намоён бўладиган креативлик сифатларини аниқлашдан иборат бўлди. Қуйидаги сифатлар ўсмир ҳамда ўспирин ёшидаги ўқувчиларнинг креативлик сифатларига эгаллигини белгилайди: ҳиссий ривожланганлик, қизиқувчанлик, эстетик туйғу ва эстетик дидга эгалик, мустақиллик, ижодий тасаввур, интеллектуал фаоллик, таваккал қилишга мойиллик, муаммога нисбатан тоқатсизлик, танқидий фикрлаш қобилиятига эгалик, ижодий фаолиятга йўналганлик, интуитивлик, нутқ маданиятига эгалик, креатив тафаккур (дивергент), рефлексия қобилиятига эгалик.

Хорижий давлатларда қарийб бир аср мобайнида креатив тафаккур моделларини ишлаб чиқиш йўлида амалий изланишлар олиб борилмоқда. Г.Уоллас, К.Россман, А.Осборн, Д.Перкинс, С.Исаксен, Д.Треффингер томонидан креатив тафаккур моделлари ишлаб чиққан. Креатив тафаккурнинг мумтоз (классик) моделлари билан танишиш ижодкорлик ва креативлик ўртасидаги фарқларни аниқ кўра олиш имконини берди.

Ишнинг “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг назария ва амалиётдаги аҳволи, ўқувчиларда креативлик сифатларнинг ривожланганлик даражасини ташхисловчи ҳамда “Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантирувчи методлар тўғрисида сўз юритилган иккинчи боби **“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари**” деб номланган.

“Технология” дарсларида ўқувчиларнинг креативлик сифатларини ривожлантириш муаммосининг назария ва амалиётдаги мавжуд ҳолатини ўрганиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Креативлик ва шахс креативлигини ривожлантириш масалалари Рай М.Симпсон томонидан таянч тушунча илк марта қўлланилган 1922 йилдан буён АҚШ, Европа ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган Осиё давлатларида турли соҳаларда изчил ўрганилиб келинаётганлигига қарамай, Ўзбекистон шароитида сўнгги ўн йил ичида амалга оширилаётган кам сонли мустақил тадқиқотлар учун муаммо сифатида танланган. 2. Ўзбекистонда инновацион таълим муҳитида турли ёш тоифасидаги шахсларнинг креативлик сифатларига эга бўлишини таъминлаш муаммосининг долзарблашуви уни педагогик, психологик, фалсафий, иқтисодий жиҳатдан чуқур ўрганишга бўлган эҳтиёжни юзага келтирмоқда. 3. Республика миқёсида ва халқаро ҳамкорлик доирасида илмий лойиҳаларни амалга ошириш, мустақил тадқиқотларни олиб бориш бу борадаги мавжуд эҳтиёжнинг қондирилишини таъминлайди. 4. Республика узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида тадрижий ривожланиш асосида таълим олувчилар ва мутахассисларнинг креативлик сифатларига эга бўлишини таъминловчи педагогик шарт-шароитни яратиш руҳан тетик, ўзига ишончи кучли, кескин рақобатга бардошли, турли мураккаб вазиятларда ҳам муқобил ечимларни топа оладиган, тўғри қарор қабул қиладиган креатив шахслар авлодини тарбиялаш учун пойдевор яратади. 5. Олиб борилган тадқиқот “Технология”

дарслари мисолида махсус методикани ишлаб чиқиш орқали ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолият мазмунини инновацион шакл, метод, восита, технологиялар билан бойитиш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади.

Ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг 1- ва 2-босқичлари (мослашиш (адаптив) ҳамда ривожлантириш босқичлари)да “Тасодифий ассоциациялар” методи, Э.П.Торренснинг уч босқичли “Тугалланмаган расмлар” тестидан фойдаланилади. “Технология” дарсида ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантириш босқичи (2-босқич)да “Тасодифий ассоциациялар” методидан соҳага оид креатив фикрлаш қобилиятини такомиллаштириш мақсадида унинг мазмунига бироз ўзгартиришлар киритиш асосида фойдаланилади.

Яъни: 1-босқич. Ҳар бир ўқувчи “Технология” фани бўйича дарсликни қўлга олиб, унинг саҳифаларини тасодифий очади. 2-босқич. Очилган саҳифанинг рақамига эътибор қаратмай, кўрсаткич бармоқ ихтиёрий сўзнинг устига қўйилади, аниқланган сўз (*масалан, фреза – металлга ишлов берадиган, айланма барабанли машина; “Металлга ишлов бериш технологияси” боби бўйича*) қоғозга қайд этилади. 3-босқич. Бу ҳаракат яна бир бор қайта такрорланиб, яна бир сўз (*масалан, гўшт – “Пазандачилик асослари” боби бўйича*) аниқланади. 4-босқич. Аниқланган ҳар икки сўз (*фреза ва гўшт*) ўртасидаги ўзаро алоқадорлик топилади ва у асосида касбий фаолиятга доир асосли фикр билдирилади (*масалан, фреза ёрдамида тайёрланган тўрт лезвияли қирқувчи пичоқ қиймалагичга ўрнатилганда гўштни тезда майдалаш имкониятига эга бўлди*).

“Технология” дарсида ўқувчиларнинг креатив сифатларини ривожлантириш босқичи (2-босқич)да Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тестидан “Технология” ўқув фани бўйича билимларни ёдга олиш, тизимлаштириш мақсадида фойдаланилади. Яъни: 1-босқич. Ўқувчиларнинг эътиборига Э.П.Торренснинг уч вариантли “Тугалланмаган расмлар” тести ҳавола қилинади. 2-босқич. Ўқувчиларга Э.П.Торренснинг уч вариантли “Тугалланмаган расмлар” тестини бажариш юзасидан методик кўрсатмалар бериш. Топшириқлар қуйидаги методик кўрсатмалар асосида бажарилади: ***1-топшириқ – расм чизиш бўйича.*** Ўқувчиларга кўк рангдаги ушбу шакл негизида “Технология” ўқув фани доирасига қамраб олинган аниқ соҳалар бўйича уларга тааллуқли предмет, буюмларни тасвирий (чизма шаклида) ифодалаш вазифаси топширилди.

7-синф “Технология” дарсларида респондент-ўқувчилар қуйидаги боблар ва уларга тегишли мавзулар асосида предмет, буюмларни тасвирий (чизма шаклида) ифодалади: 1. “Полимер материалларга ишлов бериш технологияси”. 2. “Металлга ишлов бериш технологияси”. 3. “Электроника ишлари” (7-синф). 4. “Уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш”. 5. “Пазандачилик асослари”.

Ҳосил қилинган тасвирий кўринишларнинг барчаси номланади (барчасининг асосида Э.П.Торренс ғоясига кўра тухумсимон тасвир бўлиши

шарт). Шунингдек, ҳар бир бўлим бўйича таклиф этилган тасвирий кўринишларни умумий ҳолда номлаш мумкин.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда ушбу топшириқ респондент-ўқувчиларни *“Ёғочга ишлов бериш технологияси” (7-синф)* ҳамда *“Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш” (7-синф)* боблари бўйича Э.П.Торренс тестларининг ечимини топишга жалб қилиш асосида бажарилди. Респондент-ўқувчилар томонидан ечим сифатида қуйидаги вариантлар таклиф қилинди:

**1. “Ёғочга ишлов бериш технологияси” боби бўйича:** эгов, бигиз, болта, теши, болга, дарахт; айлана стол, суянчиги доирасимон бўлган стул, замонавий диван, стол лампаси, доирасимон қандил, айлана шаклидаги эшик қўнғироғи ва ҳоказолар.**2. “Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш” боби бўйича:** атрофи нақшинкор доирасимон кўзгу, айлана ойнали кир ювиш машинаси, айлана ойнали микро тўлқинли печ, доирасимон нақшлар билан безатилган эшик, айлана ойнавандли камод, гулдор тоғарача, кекс учун қолип, шиша банка, консерва идиши, овалсимон ванна, доирасимон гангли девор безаги, овал шаклидаги гилам, доирасимон сандиқ ва бошқалар.

**2-топшириқбўйича–расмларни тугаллаш бўйича.** Ўқувчилар тасвирнинг асосини Э.П.Торренс томонидан таклиф қилинган штрихлар ташкил этувчи буюм, жиҳоз ёки асбоб-ускуналарнинг тасвирини ифодалаши ва уни номлаши зарур. Тадқиқот даврида ҳар бир штрих бўйича респондент-ўқувчилар томонидан муайян вариантлар таклиф этилди.

**3-топшириқ– такрорланаётган чизиқлар бўйича.** Ўқувчилар тақдим этилган 30 жуфт параллел вертикал чизиқлар асосида ҳар иккита (жуфт) чизиқ негизида турли соҳаларга доир қандайдир ўзаро бир-бирини такрорланмайдиган расмларни чизади.

Тадқиқот даврида респондент-ўқувчилар (7-синф) таклиф этилган мавзулар бўйича топшириқни қуйидаги тарзда бажарди:1) “Полимер материалларга ишлов бериш технологияси”: *ўтказгич, улагич, томчилатгич, тармоқлагич (пластмасса турбаларда), қўл пармаси*;2) “Металлга ишлов бериш технологияси”: *аёллар зираги, узук, тиллақошининг асоси, мурғак, зебигардон, белга камар, билакузукнинг нақши*;3) “Электротехника ишлари”: *кир ювиш машинасининг ойна қисми*; 4) “Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш”: *суянчиқсиз курси, гамак (тўр беланчак), доирасимон кўзгу, болгарка диски, тунукачойнак,лаган, ликобча,стакан,қаҳвачашкаси, самолёт ёки кеманинг иллюминатори, челак*. 5)“Пазандачилик асослари”: *картошка, тухум, киви, редиска, қовун, олхўри, аёллар пардоз ойнаси, апельсин, шафтоли, безакли тухум, чучвара, манти, нон қути, балиқ, котлет, фрикаделька, тефтели, печенье, блинчик*.

3-босқич. Топшириқларнинг бажариш жараёни. Уч вариантдан иборат тестларни бажариш учун ўқувчиларга 10 дақиқа вақт берилади. Методик кўрсатмани бериш учун 2 дақиқа талаб этилади (жами 12 дақиқа).

4-босқич. Ечимларни муҳокама қилиш. Тадқиқот даврида ўқитувчи етакчилигида респондент-ўқувчиларнинг иштирокида ечимлар муҳокама қилинди.



5-босқич. Ечимларни баҳолаш. Ўқитувчи респондент-ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ечимларни баҳолади.

Ўқувчиларда креативлик сифатларини ривожлантиришда, энг аввало, ўқитувчи томонидан бериладиган топшириқларнинг моҳиятини ҳам ўзгартириш, уларнинг рағбатлантирувчи, уларни ижодий ва креатив фикрлашга туртки берувчи кўрсатмалар асосида савол ёки топшириқлар тўпламини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотни олиб боришда мазкур вазифанинг ҳам ижобий ҳал қилинишига эътибор қаратилди. Натижада қуйидаги ижодий, инновацион, креатив характерга эга саволлар ҳамда топшириқлар тўплами шакллантирилди:

**I. Назарий характердаги топшириқлар тўплами:** 1. Металлни букишда асосий эътибор ўлчамларни тўғри белгилашга қаратилиши зарур, шунда. Фикрни давом эттиринг. 2. Ички кийимлар (ички кўйлақлар, майкалар, корсетлар) инсоннинг тана ҳароратини мўътадил сақлаб туришга хизмат қилади. Чунки улар бевосита баданга кийилади ва ёпишиб туради. Ушбу фикрга қарши фикр билдиринг. Респондент-ўқувчилар томонидан қуйидаги қарши фикр билдирилди: “Ички кийимларнинг барчаси ҳам, масалан, остки юпкалар, тунги кўйлақлар, чақалоқлар кийимлари, калсонлар, пижамалар баданга ёпишиб турмайди. Шунинг учун улар тана ҳароратини тўлиқ сақлай олмайди”. 3. Ёғочнинг қаттиқлиги унга бошқа қаттиқ жисмнинг ботишига қаршилиқ кўрсатиш даражаси билан белгиланади. Ёғочнинг қаттиқлигини аниқлашнинг энг оддий усули унга мих қоқиб кўришдан иборат. Фикрга нисбатан учта фикр айтинг. Уларнинг: биринчиси фикрни тасдиқласин; иккинчиси фикрни тўлдирсин, учинчиси фикрни инкор қилсин.

1. Тасдиқловчи фикр: ёғочнинг қаттиқлиги унга ўзидан қаттиқ буюмларнинг учини, тиғини, киррасини ботириб кўриш орқали аниқланади. 2. Тўлдирувчи фикр: оддий мих қайрағоч, эман, шамшод, нок, акация каби қаттиқ ёғочларга эмас балки тол, терак, қарағай каби юмшоқ ёғочларга қоқилади. 3. Инкор этувчи фикр: ёғоч қанчалик қаттиқ бўлмасин, унга зах, намлик, сув, зарарли микроорганизмлар ва ёғочни кемирувчи куртлар томонидан зарар етади.

**II. Амалий характердаги топшириқлар тўплами** (топшириқлар “Кашта намуналари”, “Металлические решетки“, “Детские одежды” мавзуларидаги маълумотларни тақдим этган [google.co.uz/search?q=кашта+намуналари+фото&tbm=isch&ved=2ahukewjhwjm17l\\_pahupwiokhvnubqkq2-csegqiabaa&oq=кашта+намуналари+фото](https://www.google.co.uz/search?q=кашта+намуналари+фото&tbm=isch&ved=2ahukewjhwjm17l_pahupwiokhvnubqkq2-csegqiabaa&oq=кашта+намуналари+фото); [www.google.com/search?sxsrf=alekk03urpd0\\_zccg5hhluk-x1rAkB1b6Yg:1589887364535&source](https://www.google.com/search?sxsrf=alekk03urpd0_zccg5hhluk-x1rAkB1b6Yg:1589887364535&source); [www.google.com/search?sxsrf=alekk01\\_vldorrote6lounkwacwbmog4fpg:1589888041233&source](https://www.google.com/search?sxsrf=alekk01_vldorrote6lounkwacwbmog4fpg:1589888041233&source)) сайтлар материаллари асосида шакллантирилди): 1-топшириқ. Ёғочнинг текстураси – радиус бўйлаб ёки эгри чизикқа уринма чизик бўйича йўналтирилган кесма бўлиб, ишланган юзада ёғоч толаларининг табиий расми яққол кўринади. Ёғочнинг текстураси орқали қуйидаги кўрсаткичларни баҳолаш мумкин: йиллик қатламларнинг кенглигини; туси (ранги) орқали анча аввал ёки яқинда ишлов берилган ёғоч эканлигини; ўзак нурларини; илдизлари

йириклигини; (бу ўринда бир неча ҳолатлар қайд этилмай, очиқ қолдирилади).

Амалий топшириқ: ёғочнинг текстураси орқали аниқланадиган кўрсаткичларни ниҳоясига етказинг.

Тадқиқот жараёнида респондент-ўқувчилар томонидан топшириқ қуйидагича бажарилди (топшириқларни ишлаб чиқишда):

Ёғочнинг текстураси орқали қуйидаги кўрсаткичларни баҳолаш мумкин: йиллик қатламларнинг кенглигини; туси (ранги) орқали анча аввал ёки яқинда ишлов берилган ёғоч эканлигини; ўзак нурларини; илдизлари йириклигини; ёғоч толаларининг ҳолати (тўлқинсимон, чалкаш эканлиги)ни; ривожланмаган куртакларнинг излари (ёғочнинг “кўзлари”) бор-йўқлигини.

2- ҳамда 7-топшириқлар бўйича респондент-ўқувчиларнинг эътиборига тайёр маҳсулотлар ҳавол этилиб, улар асосида қуйидаги ҳаракатларни бажариш вазифаси юклатилди: “Янги детал билан тўлдириш” (№2); “Маҳсулотни янги ранг билан бойитиш. Нима учун бундай ранг танлаганингизни изоҳланг” (№3); “Сизнингча, ушбу маҳсулотда нима ортиқча?” (№4); “Янги орнамент билан тўлдириш” (№5); “Жараёни яқинига етказинг” (№6); “Композицияга ўзгартириш қиритинг” (№7).

Аксарият манбаларда шахс креативлигини ривожлантирувчи методлар тўғрисида маълумотлар берилган. Мазкур методлар шахсда янги ғояларни илгари суриш, бир мавзу юзасидан кўплаб ечимларни таклиф қилиш, улар орқасидан энг мақбулини танлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Улар сирасида “Ақлий ҳужум”, “Фокал объектлар”, “Олтита рангли қалпоқча”, “Морфологик қути”, “Ментал харита” (“Идрок харитаси”), “Синектика”, “Билвосита стратегиялар” кабилар кенг оммалашган.

Айни ўринда намуна сифатида “Ақлий ҳужум”, “Морфологик қути”, “Ментал харита” (“Идрок харитаси”) методларидан фойдаланишга оид амалий ҳаракатлар келтирилади.

Дарс жараёнида “Ақлий ҳужум” методидан 7- ва 9-синфларда муайян тартибда фойдаланилди. Яъни (9-синф): “Халқ ҳунармандлари томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар. Ҳунармандчиликда фойдаланиладиган нодир материаллар ва асбоб-ускуналар” мавзуси биринчи дарсга тўғри келганлиги сабабли навбатдаги дарсда ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш жараёнида “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилди. Методдан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилди: 1. Мавзу ўрганиладиган дарс якунида ўқувчилар метод ва унинг моҳияти билан таништирилди. 2. Дарсликда берилган мавзуга оид маълумотларни диққат билан ўрганиш вазифаси топширилди. 3. Интернет тармоғида [google.co.uz](http://google.co.uz) ҳамда [google.com](http://google.com) қидирув сайтларида қўшимча равишда қуйидаги мавзулар бўйича маълумотларни излаш ва улар билан танишиш топшириғи берилди: 1) [google.co.uz](http://google.co.uz) сайти бўйича: “V” синфда меҳнат таълими дарсларида халқ ҳунармандчилиги ишларини ўрганиш” номли ўқув қўлланма билан танишиш; “Ёғочсозлик саноати” (1-гуруҳ) мавзуси (унинг негизида “Заргарлик” (2-гуруҳ), “Чилангарлик” (3-гуруҳ), “Темирчилик” (4-гуруҳ), “Мисгарлик” ва “Кандакорлик” (6-гуруҳ) каби кичик мавзулар) билан танишиш; 2)

google.comсайти бўйича:“Столярные изделия” (1-гурух), “Кузнечные изделия” (ёки “Кованные изделия”; 2-гурух),“Мягкие мебели” (3-гурух), “Мебели”(4-гурух), “Ювелирные изделия” (5-гурух)каби умумий мавзу остида берилган маълумотлар билан танишиш.

